# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 98 (8.833) ◆ 1996 йил ◆ 19 август, душанба ◆ Сотувда эркин нархда


## ПРЕЗИДЕНТ СПОРТ ИНШООТЛАРИ ҚУРИЛИШИ БИЛАН ТАНИШДИ



**Суратда: спорт иншоотларини кўриш пайти.** *Р. Жуманиёзов (ЎзА) олган сурат.*

Мустақилликнинг шонли беш йиллиги арафасида мамлакатимизда, жумладан Ватанимиз пойтахтида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Кун сайин чирой очиб бораётган Тошкентдаги «Пахтакор» марказий стадиони қайта қурилиши ана шулардан биридир. Бу ерда республикамизнинг ўнлаб қурилиш ташкилотлари ҳашар йўли билан «Пахтакор» марказий стадионини Англия, Германия ва Голландия мамлакатларидаги каби замонавий ўйингоҳга айлантириш учун меҳнат қилмоқда. Бунинг учун ҳозиргача 64 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Айни пайтда бунёдкорлик ишлари қизғин давом этмоқда.

16 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов республика «Пахтакор» спорт машғулотлари бирлашмасига ташриф буюриб, стадионда олиб борилаётган таъмирлаш ишлари билан танишди.

Ислом Каримов «Пахтакор» марказий стадиони Ғарб мамлакатларидаги ўйингоҳлар каби кўзни қувонтирадиган, футболчилар учун қулай, томошабинлар мириқиб ҳордиқ чиқарадиган маскан бўлиши лозимлигини таъкидлади. Мазкур стадион Марказий Осиёда ягона ўйингоҳ, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам мусобақалар ўтказишга тайёр бўлиши керак, деди жумладан Ислом Каримов. Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов, республика «Пахтакор» спорт машғулотлари бирлашмаси бош директори У. Зоҳидов ўйингоҳ энг замонавий стадионлардан бири бўлишига кафолат бердилар.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шу куни пойтахтда таъмирдан чиқаётган Олимпия шон-шуҳрати музейини ҳам бориб кўрди. Бу иншоот қурилишида айни пайтда «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясининг 12-тресті қурувчилари Югославиянинг «Торек» фирмаси билан ҳамкорлик қилмоқдалар. Олимпиячиларимиз ютуқларини кўз-кўз қиладиган, турли спорт байрамлари, тадбирлари ўтказиладиган гўзал масканлардан бири бўлажак мазкур иншоот мустақиллик байрамигача фойдаланишга топширилади.

Юртбошимиз спорт иншоотлари қурилиши билан танишар экан, қурувчиларга зарур тавсиялар, топшириқлар берди.

(ЎзА).

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## РЕСПУБЛИКАНИНГ БИР ГУРУҲ СПОРТЧИ ВА СПОРТ УСТОЗЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришдаги хизматлари, тинчлик ва барқарорлик сақланишига, барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга, ёш авлодни ватанпарварлик ҳамда миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган ҳиссаси ҳамда Атлантада (АҚШ) ўтказилган XXVI олимпия ўйинларида катта ютуқларга эришганликлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

БАГДАСАРОВ Армен Юрьевич — Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг дзюдо бўйича спортчи-йўриқчиси

ТУЛЯГАНОВ Карим Олимжонович — марказий ҳарбий спорт клубининг ҳарбий хизматчиси

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

АТАЕВ Нариман Шамсутдинович — марказий ҳарбий спорт клубининг ҳарбий хизматчиси

ГАНИЕВ Рамиль Маратович — республика олий спорт маҳорати мактабининг енгил атлетика бўйича спортчи-йўриқчиси

ЧУСОВИТИНА Оксана Александровна — давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг гимнастика бўйича спортчи-йўриқчиси

ЯРБЕКОВ Дилшод Аҳмедович — давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг бокс бўйича спортчи-йўриқчиси

**«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

АҲМЕДОВ Шуҳрат Геннадьевич — Мудофаа вазирлиги жисмоний тайёргарлик ва спорт бўлимининг катта зобити

АЧИЛОВ Адхам Ўткурович — марказий ҳарбий спорт клубининг ҳарбий хизматчиси

ЗАХАРДИНОВ Дамир Минимуллаевич — давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг эркин кураш бўйича спортчи-йўриқчиси

ИСЛАМОВ Рамиль Раисович — давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг эркин кураш бўйича спортчи-йўриқчиси

ҚЎЗИЕВ Шермуҳаммад Холматович — давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг грек-рим кураши бўйича спортчи-йўриқчиси

МУХТОРОВ Алишер Муҳамеджанович — Қарши давлат университети талабаси

ПУЛЯЕВ Григорий Валерьевич — марказий ҳарбий спорт клубининг ҳарбий хизматчиси

ШМАКОВ Владимир Викторович — Тошкент олий ёнғинни ўчириш техника билим юрти кабинет бошлиғи

ШТУРБАБИН Андрей Анатольевич — «Чимён» спорт клубининг дзюдо бўйича спорт устози

**ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:**

КУЗНЕЦОВА Светлана Михайловна — республика олимпия ўринбосарлари билим юртининг катта спорт устози

МУҲАМЕДОВ Ҳасан Ильёсович — 8-Олимпия ўринбосарлари ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабининг директори

ПЯТАЕВ Владимир Евгеньевич — «Динамо» спорт жамиятининг катта спорт устози

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 16 август.

## БУГУНГИ КУН «ТО» «ТО» НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Вазирлар Маҳкамаси «1996 йилги мева-сабзавот маҳсулотлари ҳосилини Ўзбекистон Республикаси ташқарисига сотиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

❑ Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ва Конрад Аденауэр жамғармаси ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш» мавзуида давра суҳбати ўтказдилар.

❑ Урганчда рақамли телефон станциялари ишлаб чиқарадиган Марказий Осиёда ягона «АлоқаДЭУ» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси ишга тушди. Келгусида бу ерда компьютерлар, факслар ва бошқа замонавий идора техникаси ҳам ишлаб чиқарилади.

❑ Бўкада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган корхона иш бошлади.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Тожикистонда вазият яна кескинлашиб кетди. Ҳозир Тавилдарё туманида ҳукумат қўшинлари ва мухолифатчилар қуролли бўлинмалари ўртасида қонли тўқнашувлар давом этмоқда. Расмий Душанбе тожик мухолифатчиларини Ашхабод аҳдлашувларини бузганликда айблаб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашига мурожаат қилди.

❑ Чеченистонда Россия федерал қўшинлари гуруҳининг қўмондони Константин Пуликовский ва чечен сепаратчилари қуролли бўлинмалари штабининг бошлиғи Аслан Масхадов ўртасида бир неча бор музокаралар бўлиб ўтди. Ҳозирча Грозний шаҳрида ва Чеченистон бошқа ҳудудларида ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги аҳдлашувга умуман риоя этилмоқда.

❑ Россия Президенти чиқарган фармонга кўра эндиликда «қайноқ нуқта»ларда хизматини ўтаётган аскар ва зобитларнинг бир кунлик хизмати икки кун, деб ҳисобланадиган бўлди.

❑ Уфалик машҳур кимёгар олим, Бошқирдистон давлат университетининг профессори Карл Минскер Кембриж халқаро марказининг энг нуфузли «XX асрдаги ютуқлари учун» кумуш медали ва дипломига сазовор бўлди.

❑ Бугун бортида икки Россия космонавти — Валерий Корзун ва Александр Карели ҳамда тиббиёт соҳасидаги француз олимаси Клоди Андре Деэдан иборат экипаж бўлган «Союз ТМ—24» космик кемаси «Мир» орбитал станцияси билан туташтирилиши керак. Бу космик кеманинг парвози 6 июлдан бери тўрт марта кечиктирилиб, ниҳоят 17 август куни у орбитага чиқарилди.

### ХОРИЖДА

❑ Сан-Диего шаҳрида бўлиб ўтган АҚШ республикачилар партиясининг қурултойида 73 ёшли Роберт Доул президентликка, Жек Кемп эса вице-президентликка расмий равишда номзод қилиб кўрсатилдилар.

❑ Бир йилдан сал кўпроқ вақтдан буён Афғонистоннинг «Толибон» ҳаракати жангарилари томонидан самолёти билан қўлга олиниб, Қандаҳор шаҳрида ҳибсда ушлаб турилган Россиянинг етти нафар учувчиси бу ердан ақл бовар қилмайдиган қочишни амалга оширдилар. Улар самолётни техник қаровдан ўтказиш баҳонасида уч нафар қўриқчини қўлга олиб, ўз самолётларида Қандаҳордан Шаржа шаҳрига келиб қўндилар. Россия Президенти томонидан Бирлашган Араб Амирликларига юборилган Бош вазирнинг ўринбосари Виталий Игнатенко маҳаллий маъмурлар билан музокаралар ўтказиб, учувчиларни Ватанига олиб кетди.

❑ Бугун АҚШ Президенти Билл Клинтон 50 ёшга тўлди. Шу муносабат билан кеча мамлакатда катта тантаналар бўлиб ўтди.

❑ Иорданияда нон нархи икки бараварга оширилганлиги сабабли мамлакат жанубидаги иккита шаҳарда аҳоли ўртасида норозилик чиқишлари бўлди. Маъмурлар бу шаҳарларга қўшимча аскарлар киритиб, вазиятни қўлга олдилар.

❑ Замбиянинг 72 ёшли, тўрт йилдан бери бева бўлган Президенти Мугабе ўзининг 31 ёшли котибасига уйланди. Уларнинг никоҳ тўйида Африкадаги кўпгина давлат ва ҳукумат раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

## ОЛИМПИЯЧИЛАРНИ ШАРАФЛАБ

Маълумки, шу йилнинг 19 июлидан 4 августига қадар Америка Қўшма Штатларининг Атланта шаҳрида XXVI олимпия ўйинлари бўлиб ўтди. Бу нуфузли мусобақаларда мустақил Ўзбекистон вакиллари ҳам муносиб тарзда иштирок этди.

16 август куни пойтахтимиздаги «Наврўз» саройида олимпиячиларимизни қутлаш маросими бўлди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг олимпиада совриндорлари ҳамда уларнинг мураббийларини тақдирлаш ҳақидаги Фармонини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов ўқиб эшиттирди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан К. Тўлаганов, А. Багдасаров, Д. Ёрбеков ҳамда тантанали маросимнинг бошқа иштирокчилари республикамиз Президенти ва ҳукуматига олимпиячиларга доимий ғамхўрлиги учун миннатдорлик билдириб, бундан буён ҳам Ўзбекистон спорти шаъни ва обрўсини юксак сақлашга интилишларини таъкидлашди.

Маросимда республика Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов иштирок этди.

(ЎзА).

## ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

***Мустақиллик майдонининг қиёфаси бугун тамоман ўзгача. Қурилаётган катта ва кичик саҳналар, 10 минг томошабин учун мўлжалланган ўриндиқлар, бошқарув пультлари учун темир миноралар... Кўп ўтмай бу ерда Мустақиллигимизнинг беш йиллигига бағишланган байрам шодиёналари бўлиб ўтади.***

***Ҳозир эса «Пахтакор» ўйингоҳи ҳамда Халқлар дўстлиги саройида байрам томошаларининг репетициялари давом этяпти.***

### ТОМОША ДАСТУРИ МАНЗУР БЎЛАДИ

Томошаларнинг бош режиссёри-Ўзбекистон халқ артисти, республика Давлат мукофотининг соҳиби, Тошкент шаҳар маданият ишлари бош бошқармасининг бошлиғи Рустам Ҳамидовга берган биринчи саволимиз шундай бўлди:

**— Томошаларни саҳналаштиришда қайси режиссёрлар иштирок этмоқда?**

— Абдурашид Раҳимов, Омон Шарипов, Носир Отабоев, Марат Азимов, таниқли балетмейстерлардан Қодир Мўминов, Галия Измайлова, Маъмура Эргашева, Дилафрўз Жабборова, Юлдуз Исматовалар катта фидойилик кўрсатишмоқда.

Томошаларга Бахтиёр Алиев, Аваз Мансуров, Алишер Икромов, Анор Назаров, Баҳрулло Лутфуллаев каби таниқли бастакорлар, композиторлар мусиқа ёзишган. Ўзбекистон халқ шоирлари Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Пўлат Мўмин ҳамда Жуманиёз Жабборов ва бошқа шоирларнинг шеърларидан фойдаландик.

**— Қайси бадиий дасталар байрам томошаларида иштирок этадилар?**

— «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмасига қарашли барча ашула-рақс дасталари байрам дастурида қатнашади. Бундан ташқари вилоятлардаги энг яхши санъаткорлар ҳам ўзларининг байрам туҳфаларини олиб келишади. Томошалар сценарийсида қайд этилганидек «Ватан — буюк бир чаман, ўлкам — ягона гулшан» блокида уларнинг дастури намойиш этилади. Яна Тошкент шаҳридаги туманларнинг барча мусиқавий дасталари хизматда бўладилар. Хуллас, аҳли санъат борки, байрамнинг дил тортар ўтиши учун бор маҳоратларини кўрсатадилар.

Шаҳримизда 14 та маданият ва истироҳат боғлари бор. Шу боғларда, Ўзбекистон Миллий боғида, Театр майдонида, Анҳор соҳилида, Хадра майдонида, Чорсу майдонида, Сайилгоҳ кўчасида, Ҳамид Олимжон майдонида ва ниҳоят Амир Темур хиёбонида 1 сентябрь тонготаридан халқ сайли бошланади. Сайлда юқорида тилга олганимиз барча санъаткорлар то кечгача халқимизни байрам билан қутлаб, дилларини хушнуд этадилар.

**— Мустақиллик майдонидаги репетициялар қачон бошланади?**

— Бугун-эрта қурувчилар ўз ишларини тугатадилар. Шундан сўнг бизнинг асосий ишимиз бошланади. Барча иштирокчилар биргаликда байрам томошаларини яхлит ҳолда кўздан кечирамиз. Томоша дастурида жаъми 7 минг санъаткорлар, ёшлар иштирок этади.

***Қутлуғ байрамимизнинг бошланганидан дарак берувчи карнай-сурнайларнинг улуғвор садоларининг янграшига саноқли кунлар қолди. Ўша куни санъаткорларнинг тўккан терлари эвазига яратилган аввалги йиллардагидан мазмуни билан ҳам, ифодаси билан ҳам ажралиб турувчи байрам дастурини халқимиз чин дилдан олқишлашига шубҳамиз йўқ.***

Толиб САЪДУЛЛАЕВ
ёзиб олди.

## ҚИЗҒИН ТАРАДДУД

***Сергели туман ҳокимлиги, «Камолот» жамғармасининг туман бўлими ва бошқа корхона ҳамда ташкилотларнинг мутасаддилари билан ҳамкорликда жойларда истиқлолнинг моҳияти ва шу туфайли эришилган ютуқлар ҳақида суҳбатлар олиб борилмоқда.***

Тематик мавзуда ўтказилган «Мустақил диёр — соғлом авлод негизидир», «Аёл ва қонун», «Аёл ва мустақиллик», «Соғлом авлод — соғлом жамият негизидир», «Истиқлолимиз — иқболимиз» сингари давра суҳбатлари, юзма-юз мулоқотлар ўз самарасини бермоқда.

Шунингдек, янги оила қураётган ёшларга «Файз» акционерлик жамиятида ишлаб чиқарилган мебель термаларини арзонлаштирилган ҳолда олишларига ҳам кўмаклашилмоқда. Бу ишда жамият бошқарувининг раиси Мукаррамхон Азимованинг ҳиссаси катта бўлаётир. Бундан ташқари келажакдаги ёш авлоднинг янада соғлом бўлишини инобатга олиб, туман соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари билан биргаликда 98 фоиз ёш оналар, келинлар ва балоғатга етган қизлар тиббий кўрикдан ўтказилди.

Тумандаги намунали оилалар, қайнона-келин ўртасидаги иноқ муносабатлар, айтса арзигулик хислатлар ҳақида ўзаро очиқ мулоқотлар олиб борилялти. Айниқса турмушга тайёрланаётган қизлар билан суҳбатлар фикримиз далилидир.

Туманда истиқомат қилаётган барча аҳоли қатори хотин-қизлар ҳам мустақиллигимизнинг беш йиллигини катта шодиёна билан ўтказишга ҳамда соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган куннинг 660 йиллигини ҳам муносиб нишонлашга қизғин ҳозирлик кўришаяпти.

Заҳро АҲМЕДОВА.

*Улуғ байрамга совғалар*

## ШОДИЁНА АРАФАСИДАГИ ҲОВЛИ ТЎЙЛАРИ

***Шаҳримизнинг Қорасарой ва Абдураҳмонов кўчалари кесишган жойда қад кўтарган 72 хонадонга мўлжалланган бу уй қурилиши қисқа муддатларда тугалланди. Пойдеворни тиклашдан тайёр уй фойдаланишга топширилгунга қадар ҳаммаси бўлиб 4,5 ой вақт кетди холос. Бунинг сабабини ушбу қурилишда бунёдкорлик ишларини олиб борган Йирик ҳажмли блокли тажриба-уйсозлик комбинатига қарашли 3-конвейерли қурилиш бошқармаси устаси Журъат Абдурашитов шундай шарҳлайди:***

— Бошқармамиз зиммасига топширилган бу масъулиятли вазифани ўз вақтида бажармасак бўлмасди. Чунки Форобий. Сағбон кўчаларининг очилиши ва кенгайтирилиши муносабати билан бу жойлардаги баъзи бир хонадонларни бузишга тўғри келди. Оилаларни зудлик билан янги уй билан таъминлаш лозим эди. Шуни ҳисобга олиб ишни жадаллаштирдик.

Қурувчилар январь ойининг ўрталарида ушбу майдонга келганларида у ҳувиллаб ётар, бунинг устига майдон шу яқин атрофдаги хонадонлар томонидан ахлатхонага айлантирилганди. Барча керакли техникалар тезлик билан келтирилди. Хандақ қазиш ишлари бошланиб кетди. Кечагина қаровсиз бўлиб ётган жойда ҳаёт қайнади.



Участка қурилишига Тошпўлат Норқулов бошлиқ этиб тайинланди. Унга ишбоши Саид Кабиров, уста Журъат Абдурашитов, бригадир Эргаш Кўчқоровлар ёрдамчилик қилишди. Бунёдкорларга бир йўла иккита 72 хонали 9 қаватли уйни 9 ой ичида қуриб битириш вазифаси топширилганди.

Биринчи навбатда вақтнинг тиғизлиги ҳисобга олиниб қурувчилар ишни уч сменада ташкил этишди. Кучлар баравар тақсимланди. Бунёдкорларга шу ернинг ўзида чой, иссиқ овқат тайёрланадиган бўлди. Бу юмушлар учун махсус одамлар ажратилди.

Орадан бир ой ўтар-ўтмас биринчи уйнинг ертўла қурилиши тўла қўлдан чиқарилди. Иккинчи ва учинчи ойларда тўққиз қаватли уйнинг қурилиш-монтаж ишлари тугалланди. Кейин у пардозловчиларга топширилди. Сайқалчилар ҳам бир ойдан ортиқ вақт ўтар-ўтмас хоналарни тўла пардоздан чиқардилар. Уй аъло баҳога қабул қилинди. Кенг ва ёруғ хонадонларга бирин-кетин оилалар кўчиб кела бошладилар.

— Куни-кеча янги уйда биринчи марта никоҳ тўйи ҳам ўтказилди. Икки ёшнинг бахтли кечасида биз қурувчилар ҳам қатнашдик. Шу куни янги уйга кўчиб кирганларнинг қувончини кўриб фахрландик. Одамларни бошпана билан таъминлашдек хайрли ишда қатнашаётганимиздан бениҳоя қувондик, — дейди участка бошлиғи Тошпўлат Норқулов.

Истиқоматчилар билан суҳбатлашдик. Улар ўз миннатдорчиликларини қуйидагича баён этишди.

— Катта оилам билан тор ҳовлида сиқилиб ўтирган эдик,— дейди меҳнат кексаси Бахтиёр Эргашев. — Янги уйдан бизга иккита қарама-қарши хонадон тегди. Бу хонадонларга икки ўғлимиз оиласи билан жойлашиб олди.

— Биздек оддий инсонлар учун бунчалик ғамхўрлик қилиб келаётган ҳукуматимизга минг раҳмат, —унинг сўзини бўлиб дейди қўшни хонада яшовчи онахон Турсуной Ниғматова.

Қолган суҳбатдошларимизнинг мана шундай дил сўзларини эшитиш бизга ҳам мароқли туюлди. Албатта юқоридаги қувончу миннатдорчиликларнинг барчаси қурувчилар меҳнатига берилган холисона баҳо эди. Биз билан ёнма-ён турган қурилиш қатнашчилари буни юракдан ҳис этишди.

— Ҳозир навбатдаги ана шундай тўққиз қаватли уйнинг еттинчи қаватида тиклаш-пайвандлаш ишларини олиб бораяпмиз, — дейди Тошпўлат Норқулов.— Қурувчиларимиз уч сменада ишлашиб, бу уйни ҳам сентябрь ойи охиригача фойдаланишга топширишмоқчи.

Қурувчилар ҳузурида бўлдик. Ҳамма ўз иши билан банд. Айниқса бугун кранчи Тоҳир Шокировнинг қўли қўлига тегмайди. Чунки у ҳозиргина келтирилган тайёр уй деворларини қудратли машинаси ёрдамида пайвандловчиларга етказиб беряпти. Жойларига ўрнатилаётган деворлар пайвандчилар томонидан мустаҳкамланмоқда.

— Бир кунда мана шундай деворлардан 10-15 тасини пайвандлашга эришаяпмиз, — деди бригадир Эргаш Кўчқоров.

— Бизга лозим бўлган барча материаллар ўз комбинатимизда ишлаб чиқарилади. Шунинг учун материал етишмовчилиги билинмайди, — дейишади бунёдкорлар.

Бу жамоа ўтган йил ҳам Эски шаҳарнинг Беруний —Ниёзов кўчалари чорраҳасида қад кўтарган худди шундай ҳар бири 72 хонадонли иккита уй қурилишини бир йилда ниҳоясига етказиб, ном чиқарганди.

— Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни шарафига бунёдкорларимиз ўз зиммаларига аниқ мажбуриятлар олиб, улуғ байрамга муносиб совғалар тайёрлаш мақсадида ғайрат кўрсатиб ишлашмоқда. Улар бу куни ҳозирги бунёд этилаётган уйимизда пайвандлаш-тиклаш ишларини ниҳоясига етказиш билан кутиб олишга аҳд қилишган, — дейди сўзининг охирида Тошпўлат Норқулов.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

***СУРАТЛАРДА:** уй-жой биноси қурилишида; ушбу қурилишда қатнашаётган илғорлардан (чапдан ўнгга) Рустем Ешимбетов, Саид Хўжаназаров, Тошпўлат Норқулов.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*



## ИЗЧИЛ ТАДБИРЛАР

### УЛАР ШАҲРИМИЗДА НАҚД ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ЭМИССИЯСИ ДАРАЖАСИНИ ПАСАЙТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Аввал хабар берилганидек, Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада нақд пул маблағлари эмиссияси ва касса режаси белгиланган даражасининг 1996 йилнинг июль ойидаги бажарилиш якунлари тўғрисида» қарорида Тошкент шаҳрида бу борада белгиланган изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги қайд этилди. Тошкент шаҳри бўйича 1996 йилнинг июль ойига белгиланган касса режаси ҳамда нақд пул эмиссияси даражасини пасайтириш прогнозлари ошириб бажарилди.

Шу муносабат билан мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар бўлимининг бошқарувчиси Ўткир НИҒМАТОВ билан суҳбатлашди.

— Яқинда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги пул-кредит комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди, — деди Ўткир Убайдуллаевич. — Унда Вазирлар Маҳкамасининг нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорининг бажарилиши бўйича вазифалар муҳокама этилди.

Шуни айтиш кераккi, Тошкент шаҳри бўйича даромадлар бўйича белгиланган касса режаси 115 фоиз қилиб бажарилди. Муомаладан 3 миллиард 304 миллион сўм нақд пул олинди.

Бунга эришиш учун шаҳар ҳокимлиги, Марказий банк ва унинг шаҳар бўлими, тижорат банклари томонидан барча савдо ташкилотлари, шаҳар йўловчи транспорти корхоналаридаги ишларнинг аҳволи чуқур ўрганиб чиқилди.

Бу текширишлар ижобий ишлар билан бир қаторда ҳали ҳам муайян камчиликлар учраб тураётганлигидан далолат берди. Масалан, Тошкент шаҳрида 7 мингтага яқин савдо ташкилоти рўйхатга олинган. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам тушган пулни инкассация хизматига топширмаяптилар. Шаҳарда инкассация хизмати ҳозирги пайтда 4 мингта ташкилотга хизмат кўрсатаяпти. Шу йил бошидан бери қўшимча 900 та ташкилот тушган пулни инкассация хизматига топширилиши таъминланди.

Молия-кредит комиссияси мажлисида барча туман ҳокимликлари, тижорат банкларига бу йўналишдаги ишларни кучайтириш вазифаси юклатилди. Бу нақд пулнинг банкка тушумини кўпайтириш, пул айланишини тезлаштириш имконини беради. Ана шу тадбирлар эса миллий валютамиз — сўм қувватини оширишга хизмат қилади.

Мажлисда шунингдек, Тошкент шаҳри корхона ва ташкилотларида дебитор-кредитор қарзларининг аҳволи ҳам муҳокама этилди. Банк, солиқ идоралари ходимлари ўтказган текширишлар ҳали ҳам айрим корхона ва ташкилотларда Президент фармонида кўрсатилганидек, маҳсулот қийматининг 15 фоизи олдиндан тўлаб қўйилгандан сўнг молни истеъмолчига жўнатиш қоидасига риоя этилмаётганлигини кўрсатди. Масалан, Собир Раҳимов туманидаги «Металлулгуржисавдо» базаси мол жўнатишда 20 ҳолда бу қоидага риоя этмаганлиги маълум бўлди. Бунинг оқибатида унинг дебитор қарзлари ортиб бораётганлиги табиийдир.

Бу муаммоларни ҳал этишда тижорат банкларининг роли ортиб бормоқда. Улар мижозларига ҳисоб-китобларни тезкор бажариш, дебитор қарзларини ундиришда амалий ёрдам кўрсатишлари лозим.

Ҳозирги пайтда республика бўйича амалга оширилаётган барча тўловларнинг 75 фоизга яқини Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келади. Бу ҳисобга олинган ҳолда электрон тўловлар тизимини жорий этиш бўйича ишлар кучайтирилди. Бугунги кунда Тошкент шаҳридаги барча банклар ана шундай тизимда ишлашга ўтганлар. Бу бир неча дақиқа мобайнида тўловларни фақат бир тумандан иккинчисига эмас, балки республикамизнинг хоҳлаган вилоят марказига ўтказиш имконини беряпти. Янги тизим пул маблағлари айланишини жадаллаштиришга, бу билан корхона ва ташкилотлар мол айланмасини кўпайтириш, вақтдан ютишга хизмат қиляпти.

Тошкент шаҳри тижорат банклари дебитор қарзларини камайтириш ва ўзаро тўловларни яхшилаш учун катта иш олиб бормоқдалар. Улар ҳозиргача 2 миллиард 27 миллион сўмлик вексель чиқарганлар. Улар ёрдамида 1 миллиард 778 миллион сўмлик ўзаро тўловлар қопланди. Векселларнинг муомалага чиқарилиши дебитор қарзларини 9 миллиард сўмликка камайтириш имконини берди.

Комиссия мажлисида туман ҳокимликлари, солиқ хизмати, банкларга Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 2 июлдаги «Нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига қатъий риоя этиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

«Ватан — саждагоҳ каби муқаддас»

танловига

Қадимий Шош — Тошкентимиз мўътабар ва жозибали шаҳардир, уни Шарқнинг машъал шаҳри ҳам дейдилар. Шоир таъриф этганидек, «Тошкент» дейилса қуёш эсда шай туради», унинг ҳусни, табиат жамолини бир кўрган одам умри бўйи мафтуни бўлиб қолади. Бу азим шаҳардан не-не табаррук кишилар, олиму уламолар, азиз-авлиёлар, улуғ зотлар ўтмаган дейсиз! Шунинг учун доно шоир: «Тошкент қадамжойдир... Азиз жой экан» деб бежиз таҳсин ўқимаган.

Мозийда кўпроқ Шош номи билан машҳур бўлган Тошкентимизни буюк соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳам севиб, уни бир неча бор душмандан муҳофаза этганини, бу қадамжо шаҳарда бўлиб кавсар сувларини ичганини, тузини тотиганини, ҳатто шу қутлуғ заминда дардига даво топганини тарих ўз зарварақларига ёзиб қўйибдики, шулар ҳақида баъзи фикрларни холисона мушоҳада этмоқчимиз.

***Мамлакатимизнинг марказида, қадимий ва гўзал пойтахтимиз — жонажон Тошкентимиз ўртасида қад кўтарган улуғ бобомиз сиймоси халқимизга фахр ва ғурур бахш этмоғи муқаррар!***

***Бу сиймо мард, танти, ҳалол ва ғайратли халқимизни бирлаштиришда, жипслаштиришда, иймон-оқибатли бўлишда, қудратли келажагимизни қуришда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бағишлайди.***

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВнинг соҳибқирон Амир Темур ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанада сўзлаган нутқидан).*



*«Тоштўқимачи» ҳиссадорлик жамиятида кейинги вақтда шовқинсиз дастгоҳлар ёрдамида чиқитсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётир. Бу маҳсулотларни сифатли қилиб тайёрлашда мавжуд тўқув цехларида ишлаётган тўқувчиларнинг меҳнатлари алоҳидадир. Сиз суратда кўриб турган қизларнинг айримлари яқинда иш бошлашган бўлса, айримлари кўп йиллик тажрибага эгадир. Уларнинг барчасига цех бошлиғи Фурқат Султонов ўз тажрибаларидан ўргатиб, тўқув жараёнида учраб турадиган узилишларнинг олдини олиш сирларини ўргатиб, тушунтириб боради.*

**Абдулла Эшбоев олган сурат.**

# ҚАДАМИНГИЗГА ҲАСАНОТ, СОҲИБҚИРОН!

Аввало, ҳар биримизга ҳикмат ва ибратки, она-Ватанни севишда соҳибқирон Амир Темур бобомизга тенг зотни топмоқ қийин. Бобомиз ўзи фахру ғурур билан айтган: «Биз ким мулки Турон, Амири Туркистонимиз. Биз ким, миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи туркнинг бош бўғинимиз» деган калимасида ҳам она-Ватанга чексиз муҳаббат туйғуси теран ифодасини топган. Зеро, Амир Темур она-Ватан шуҳрати ва эл-улус манфаати деб бутун умрини деярли от устида мислсиз машаққатлар чекиб юришларда ўтказгани ҳам фикримиз далилидир.

Соҳибқирон Мўғулистонга, Ҳиндистонга ва Тўхтамишхонга қарши жанговар юришлар қилганки, бунда ҳам Тошкентни ишончли ҳарбий лашкаргоҳ этиб, бу азиз заминда ойлаб, ҳатто йил давомида яшаган эди. Амир Темур ўзининг «Таржимаи ҳол»и («Зафар йўли»)да икки амир уни Тошкентда кутиб турганликларини бундай деб ёзади.

«Мен шошилинч ҳолда Тошкент тарафига юрдим. Кайхисров Хутталоний мени тантана билан кутиб олди ва зўр меҳмон қилди. Мен Тошкентда роппа-роса бир ой турдим».

Амир Темур Тошкентга мана шундай ташрифларида бу азим шаҳарни душманлардан доим муҳофаза қилар, унинг эмину омонлиги учун жон куйдирар эди. Бунга дадил сифатида қуйидаги воқеа қизиқарлидир.

Соҳибқирон ўн йил мобайнида Мўғулистонга етти марта ҳарбий юриш қилган бўлса, буларнинг кўпи аслида Ватан ҳимояси тарзида эди. 1371 йили мўғулларнинг нуфузли амирларидан бири Қамариддин Тошкентга ҳужум қилиб, уни босиб олади. Бунга жавобан Амир Темур Қамариддинга қарши қўшин тортади. Ўша пайтда Тошкентни идора қилиб турган амирлар соҳибқирон ҳокимиятини тан оладилар, аммо ҳушёр Амир Темур уларга ишонмай ҳар эҳтимолдан Аббос баҳодир, Шайх Али баҳодир ва Хитой баҳодирларни қўшини билан Тошкент атрофида қолдиради ва ўзи Самарқандга қайтади. Соҳибқирон ўйлаганидек хиёнат юз беради, амирлар қочади, уларни Амир Темур аскарлари амирзода Жаҳонгир бошчилигида қувиб борадилар, лекин Қамариддин қочганича тоққа чиқиб кетади. Амирзода Жаҳонгир кўп ўлжа ва асирларни олиб қайтади. Улар орасида Баён оғо билан жияни (оғоси амир Шамсиддиннинг қизи) Дилшод оғо ҳам бор эди. Худди шу пайтда Амир Темур Тангритоғ этагидаги дилкушо Арпаёзи оромгоҳида эдики, катта тўю томошалар қилиб Қамариддиннинг ана шу сулув жияни Дилшод оғони ўз никоҳига олади.

Соҳибқирон Мовароуннаҳрни мўғул босқинчиларидан фориғ этишда ҳарбий жасорат ва маҳоратни усталик билан қўллади, шунингдек ўзаро сулҳдан, муроса-ю мадора ва ўткир сиёсатдан ҳам фойдаланадики, ниҳоят (Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темурнома» асарида ёзилганидек) Амир «Темур ўттиз тўрт-ўттиз беш ёшида жами амир ва беклар томонидан Мовароуннаҳр ҳукмдори деб тан олинди. Шу асардаги мана бу сатрлар далилдир: «Тамоми мулки Мовароуннаҳр, Тошкент ва Хўжанд ва Хўқанд ва Марғинон ва Андижон ва Қошғар ва Туркистон жатта зулмидан омон топдилар».

Амир Темур Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлгунга қадар ҳийлакор ва мансабпараст амир Ҳусайн билан қўшилишиб жангларда кўп азоб-машаққатлар чекди, жасоратлар кўрсатди ва ҳатто бир умрлик жароҳат ҳам олди. Амир Темурнинг оқсоқ бўлиб қолганига сабаб, она-юрт озодлиги учун бўлган жангдаги жасоратидир. Машҳур тарихчи Фосиҳ Ҳавофий бу ҳақда «Мужмали Фосиҳий» асарида соҳибқирон ҳаётини йилнома тарзда рақам этиб, қуйидаги ҳужжатни ёзади:

«1362-1363 йил. Амир Соҳибқирон Амир Темур амир Ҳусайн ибн Мусаллаб билан Сейстон юришига отланиши. Амир Соҳибқироннинг қўли ёй ўқидан яраланиши. Тузалиб, тағин амир Ҳусайнга қўшилиши, сўнгра иккаласининг Мовароуннаҳрга қайтиши. Амир Ҳусайннинг Амир Темур билан иттифоқ бўлиб катта қўшин билан жанг қилиши. Самарқанд ва Кешнинг қўлга киритилиши».

Тарихий бу воқеани Амир Темурнинг ўзи ҳам «Таржимаи ҳол»и («Зафар йўли») да ҳикоя қилиб, Сейстондаги жангда қандай яраланганини ҳаққоний тасвирлайди:

«Жанг ашаддий бўлди. Мен ўзим ўн икки баҳодирим билан урушаётганларнинг ўртасига тушиб қолдим. Шу пайт менга иккита камалак ўқи санчилди: — бири оёғимга, иккинчиси — ўнг тирсагимга.

Жангда қизишганимдан ярадорлигимни ҳам билмабман. Фақат Аллоҳнинг мадади билан душманни улоқтириб, қувғинга учратганимдан кейингина ярадорлигимни сездим.

Жангдан сўнг Хўрмуз тарафига кетдим. Мен у ерда бирор муддат туриб яраларимни даволадим».

Сеистондаги Зуранж қалъасини олишда Амир Темур қай йўсинда яраланганини академик Бўрибой Аҳмедов ўзининг «Амир Темур» романида батафсил ҳикоя қилиб берган:

«Темурбек олдинга ўтиб йигитларини ҳужумга етаклади. Деворга нарвонлар қўйиб ошиб ўтдилар. Темурбек бир гуруҳга дарвозани эгаллаш ва уни бошқаларга очиш вазифасини юклаб олдинга юборди, ўзи эса олтмиш чоғли йигити билан Малик Шужонинг қароргоҳи сари чопди. У ҳам мустаҳкам бир жой бўлиб, уни қалъа ичидаги қалъа дейишарди. Темурбек унинг дарвозасига яқинлашганда аввал ўнг қўли, сўнг ўнг оёғига ўқ тегиб йиқилди...»

Темурбекнинг саъй-ҳаракати билан Зуранж қалъаси эгалланди, у бир ой мобайнида даволаниб, бироз оёққа тургач, қайтадиган бўлди.

Соҳибқирон жароҳати оғир бўлса-да, яна кўп жангу жадалларда қатнашди. 1363 йили Амир Темур Амир Ҳусайн билан мўғулларни Хўжанддан қувиб чиқариб, Сайхундан кечиб ўтди-да, Тошкентга келди. Икки амир 1363-1364 йилнинг қишини Тошкентда ўтказмоқчи бўлдилар, лекин Амир Ҳусайн бу фикрдан айниб қолди, чунки у амал эгаллаш дарди иштиёқи билан тезроқ Самарқандга қайтишга



Амир Темурни даъват этди. Лекин соҳибқирон бунга кўнмади...

Соҳибқирон 1364 йилнинг баҳорида яхши шифо топиб, Тошкентдан Самарқандга жўнаб кетди. Орадан бир йил ўтгач, 1365 йилнинг баҳорида Амир Темур Тошкент яқинидаги, Сирдарёнинг шундай биқинидаги Чиноз манзилида кўпдан бери ёвлашиб юрган душмани амир Ҳусайн билан ногаҳоний табиий офат — сел қуйиб ҳаммаёқни балчиқ, лой босганда қаттиқ савалашди, бу даҳшатли воқеа тарихда «Жанги лой» деб битилди.

Амир Темур 1366-1367 йилнинг қишини Қаршида ўтказиб, она-юртнинг ички юмушлари билан шуғулланди, вилоятларга ҳокимлар тайин этди, бу пайтда амир Ҳусайннинг қўлида учтагина вилоят қолган эди.

1367 йилда Амир Темур яна Тошкентга ташриф буюриб, 1368 йилнинг бутун қишида шу ерда бўлди, лекин вақтини бекор ўтказмай лашкар тўплади, очиқ кенгликларда энг зарурий ҳарбий машқлар ва човгон ўйинларида аскарларини чиниқтирди. Баҳор келиши билан Тошкентнинг шимолий-шарқидаги Ясси шаҳрига, Ҳазрат Аҳмад Яссавийнинг муқаддас мозорига бориб уни зиёрат қилди, молу қўйлар сўйдириб элга ош берди, етим-есиру мозор жорубкашларига садақалар улушди. Худди шу ерда бир кароматли воқеа рўй бердики, буни соҳибқирон ўз «Таржимаи ҳол»ида бундай таърифлайди:

«Аллоҳ бошқа пайтлар ҳам менга ёр бўларди.

Рум пойтахтига юришимдан аввал мақсадимга эришишимни олдиндан билиш учун ҳазрат Шайх Яссавийнинг қабрини зиёрат қилиб, ўша ерда фол очтирдим. Фолдан маълум бўлишича, жанг пайтида менга хавф дучор бўлармиш, лекин қуйидаги рубоийни ўқисам, шубҳасиз, муваффақиятга эришармишман. Оғир дақиқада менга ёрдам берадиган рубоий будир:

Эй қоронғу кечани шамъи шабистон этгон,
Бир лаҳзада оламни гулистон этгон,
Бас, мушкул ишим тушубдур, осон этгил,
Эй барчанинг мушкулин осон этгон.

Бу рубоийни мен яхшилаб ёдлаб олдим: Қайсар билан бўлган жангда мен ўзимча уни етмиш марта қайтардим ва ажаб ғалабага эришдим».

Соҳибқирон Амир Темур энг зўр жангларга кўпинча Тошкент шаҳридан йўлга чиқар эди. 1390 йилнинг қиши ўрталарида Амир Темур Тошкентга келди-ю қирқ кун хасталаниб ётди. Ҳаммани ваҳима босди. Аллоҳнинг инояти ва табибларнинг зўр муолажаси таъсири билан қирқ биринчи куни Амир Темур кўзини очди ва тез кунда оёққа турди.

1391 йил баҳорида Тошкентдан Орол денгизи томон икки юз минглик лашкар Тўхтамишхон билан ҳаёт-мамот жангига йўлга чиқди. Қўшин Қорасомон, Ясси, Қорачиқ ва Саброн орқали ўтиб, апрель ойи бошида Улуғ тоққа етиб олдилар. Амир Темур фармон бериб шу тоғ тепасида бир минора қурдирди ва сангтарошлар катта харсангтошга қуйидаги хатни ёдгорлик қилиб битиб қўйдилар:

«Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм! Марҳаматли ва мурувватли худовонди каримга шукрлар бўлсинки, Турон мамлакатининг султони ҳазрат Амир Темур Кўрагон икки юз минг кишидан иборат қўшин билан Тўхтамишхонга қарши бораётиб, ҳижрий 793 йил жумоди ул-аввал ойининг йигирма учинчи куни шу ердан ўтаётиб, ўзидан ёдгор бўлсин деб, ушбу минорани бунёд этдилар».

Шундай қилиб, соҳибқирон Амир Темур олчоқ Тўхтамишхонга қарши 1391 йил 18 июнь куни Самара билан Чистополь ўртасидаги Кундузча деган жойда аёвсиз жанг қилди, ҳеч сўзсиз Тошкентда кўрилган ҳарбий тайёргарлик пухта ва зўр бўлгани жангда ўз самарасини берди. Амир Темур бу урушда мўғуллар ҳеч кутмаган ҳарбий усулларни қўлладики, кейинчалик булар жаҳон ҳарбий санъати тарихига киритилди. Ҳикоя қилишларича, Кундузчада жанг бошланиши олдидан Амир Темурнинг пири — Мир Саид Барака лашкарга қарата руҳлантирувчи ваъз айтган, шу тариқа уч кун давом этган қирғинбарот жанг тўлиқ суратда Темур Кўрагоний ғалабаси билан тугаган.

Соҳибқирон узоқ ҳарбий сафарларда ва муаззам шаҳарларда пирларига, сайидларга, олиму фузалоларга, азиз-авлиёларга, буюк донишманду уламоларга доим ихлос-эътимод билан иззат-икром кўрсатар эди. 1397-1398 йилнинг қиш фаслида Тошкент ҳудудидаги Оҳангарон шаҳрига келган Амир Темур Яссига бориб ҳазрат Аҳмад Яссавий турбатини одатдагидек зиёрат қилди ва уни таъмирлаш, қабри устига олий бино қуришни буюрди, вақфлар ажратди.

Соҳибқирон Яссида ҳазрат Аҳмад Яссавийга, Янгийўл ҳудудида шайх Зангиотага ва Тошкентнинг Кўкча даҳасида шайх Зайниддин бобога мақбаралар қурдирганки, бу кошоналар олти ярим аср ўтибдики, буюк Амир Темур бобомизнинг саховати ва қудратидан воқиф этиб турибди.

Амир Темур бобомиз ҳар сафар Тошкентга келганда ҳозирги Кўкча даҳасидаги Шайх Зайниддин бобо турбатини зиёрат қилар эканлар. Бу улуғ зотга Амир Темур маҳобатли мақбара қуриш билан бирга, унинг ёнида расадхона ҳам бунёд этган эканлар.

Амир Темур Тошкентни жангларга отланишдан олдин лашкаргоҳ этганки, бу азим шаҳарнинг «Камони Чочий»си— Тошкентнинг ажойиб камонлари Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома» асарида таъриф этганидек жуда машҳур бўлган, демак қадим Шошда Амир Темур аскарларига қурол-аслаҳалар ишланган.

Яна Амир Темур Тошкент яқинида, Сирдарё бўйида Шоҳрухия шаҳрини бунёд этганки, бу Мовароуннаҳрнинг марказий шаҳарларидан бири эди. «Шоҳрухия» археологиясининг бошлиғи Валерий Иванович Набаковнинг айтишича, Шоҳрухия харобаларидан кўп осори-атиқалар топилган, ҳатто бу тарихий масканнинг Эски шаҳар қисмини тиклаш мумкин экан. Тарихнинг гувоҳлик беришича, Шоҳрухия шаҳрининг кўчаларидан Амир Темур бобомиз, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Шайбонийхон ва бошқа юзлаб азиз зотлар ўтишган.

Академик Иброҳим Мўминов тарих зарварақларини синчиклаб ўрганиб, Амир Темур Тошкент ҳудудида Сирдарёга кўприк қурдирганини, шаҳар атрофига бир неча каналлар ўтказганини, кўпгина масжид, мақбара, хонақо ва карвонсаройлар, шунингдек вилоят ҳудудида шаҳар кўринишидаги Оҳангарон қишлоғини бунёд этганини ёзиб қолдирган.

Амир Темур 1405 йилнинг баҳорида Хитойга юришни мўлжаллаб, қўшиннинг қишлов ўрнини Шоҳрухия, Тошкент ва Сайрам деб белгилади, ўзи эса Ўтрорда қишлади ва тўсатдан оғир хасталаниб вафот этди.

Тарих саналари азим дарё каби оқиб ўтди, буюк бобомизнинг қутлуғ номига қизил салтанат ҳукмронлик қилган замонда қора бўёқ чапланиб, гўё тарихдан ўчирилди, лекин ҳақиқат қуёши ботган билан Шарқдан яна ярақлаб чиққани каби, улуғ даҳо ва буюк саркарда Амир Темур бобомиз она — Ўзбекистонимиз мустақилликка эришган куннинг икки йиллиги нишонланаётган шодиёна айёмида, 1993 йил 1 сентябрь куни дунёга қайта шуҳрат таратиб Тошкентнинг юраги — қоқ марказидаги энг сўлим хиёбонга тулпорини миниб кириб келдики, халқимиз ўзининг улуғ фарзандини зўр эҳтиром билан, одатдаги юрак сўзини айтиб кутиб олди:

— Қадамингизга ҳасанот, Соҳибқирон!

Севимли шоиримиз Абдулла Орипов шу санага бағишланган «Темур» шеърида эл-улуснинг қувончу севинчини:

**Не бахтким, туққан юрт бўлганда озод**
**Муборак Ватанга қайтиб келмишсиз.**

деб дилдан жўшиб куйлади. Бобокалонимиз Амир Темур ҳайкалида шундай бир рамзий маъно борки, жаҳонгир бобомиз гўёки тулпорининг жиловини тортиб, қуролсиз— қиличсиз қўлини мусаффо осмонга чўзган ҳолда жаҳон халқларининг эмину омонликда яшашларини тиламоқда. Меҳнаткаш-мушфиқ халқимиз соҳибқирон ҳайкали салобати ва маҳобатидан, «Куч — адолатда» деган ҳикматона сўзларидан рамзий ҳам руҳий далда олиб, бағри тўлгандек бўлди.

**Билол АМИНОВ,**
**тарих фанлари номзоди,**
**элшунос олим.**

**Тўлқин РАСУЛЕВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.**

*Истеъдодли журналист, эҳтиросли мақолалар муаллифи Тўлқин Расулев ўз умрининг ярмига яқинини «Оқшом» учун, унинг сермазмун, серҗозиба чиқиши учун бағишлади.*

*Қаламкаш дўстимиз айниқса Мустақилликнинг илк кунларидан ўзгача илҳом билан қалам юритган эди. У Амир Темур бобомизнинг ҳайкали шаҳримизда қад кўтарганидан, шу ердаги хиёбон соҳибқирон номи билан аталганидан, 1996 йил Амир Темур йили деб эълон қилинганидан бениҳоя хурсанд бўлган эди. Истиқлолни шавқ билан ўзининг бадиаларида куйлаган, дилидаги туйғуларни изҳор этган эди.*

*Ушбу бадиа каминанинг Тўлқин Расулев билан биргаликда қоғозга туширган охирги ишимиз бўлди. Тўлқин Расулев ҳаёт бўлганида эртага 60 ёшга кирарди. Ушбу бадиани босиш билан шу йил ҳаётдан кўз юмган қаламкаш биродаримизнинг хотирасини яна бир бор эсга олдик.*

**Билол АМИНОВ.**

Танлов ҳомийси
Besh-Yogoch

*Иш билганга минг танга*

# ЎЗБЕК АЁЛИ — ХОРИЖИЙ ФИРМА ВАКИЛИ

***Жаҳоннинг турли мамлакатларида донғи етти иқлимга кетган фирмалар маҳсулотларини томоша қилиб юриб, биринчи маротаба чет эл фирмаси номидан ваkиллик қилаётган, ўрта ёшли ўзбек жувонини кўриб ич-ичимиздан қувониб кетдик. «Сайёрахон Ҳасанова, Германиянинг жаҳонга машҳур «Текстима» фирмасининг мамлакатимиздаги ваколатхоналари раҳбари», деб бизга маълумот берди таржимон. «Мазкур фирма тўқимачилик саноати учун энг замонавий асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаради», тушунтирди у яна.***

***Тортинчоқлик, камтаринлик каби ўзбек аёлига хос хислатлар Сайёрахон ҳақида батафсилроқ маълумот олишга тўсқинлик қилди. Аммо у билан суҳбатлашиш иштиёқи бизни тинч қўймасди. Ва ниҳоят у билан суҳбатлашиш имконини топдик.***

Сайёрахоннинг ҳозирги тадбиркорлик фаолиятига ишбилармон аёлларимиз ҳавас қилсалар арзийди. Бунинг учун у катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. Тошкент Давлат университетининг роман-герман факультетига кириб, уни муваффақиятли тугатганидан сўнг Гумбольт номидаги Берлин университетининг аспирантурасида таҳсил олиб, илмий унвонга сазовор бўлди. Қайтиб келгач, ўзи ўқиган даргоҳда лингвистикадан дарс бера бошлади. Замон ўзгарди, ислоҳотлар бошланиб кетди, бозор муносабатларини йўлга қўйиш, жаҳонга чиқиш зарур бўлди.

1992 йилда Ғарб мамлакатларидан тадбиркорлар кела бошладилар. Улар бозоримизни, имкониятларимизни ўрганишга жазм этишди. Хорижлик тадбиркорларнинг мамлакатимиз раҳбарияти ташаббуси билан танишув анжумани бўлиб ўтди. Сайёрахонни бу анжуманга таржимонлик қилишга юборишди. Зукко, билимдон, зеҳни ўткир ўзбек аёли Германиянинг йирик «Текстима» фирмаси президентининг эътиборини ўзига жалб этди. Ўша анжумандаёқ Сайёрахонга мамлакатимизда очиладиган мазкур фирма ваколатхонасига бошчилик қилиш таклиф этилди. Шу сабаб бўлди-ю у Германиядаги тўқимачилик саноати корхоналарида бўлиб, унинг фаолиятини ўрганишни жон-дили билан давом эттирди.

Яқинда биз фирманинг Тошкентдаги ваколатхонасида бўлдик. Бу ердаги суҳбатимиз мавзуси фирма билан ҳамкорлик алоқаларимизнинг аҳволи тўғрисида бўлди. Бу ҳақда Сайёрахон қуйидагиларни гапириб берди:

— Фирмамиз тўқимачилик ва енгил саноат бўйича машина ҳамда унинг ускуналарини Ўзбекистонга келтириш билан шуғулланади. Ўзбекистонга Германия томонидан бўлган қизиқишнинг сабаби шуки, Ўзбекистон кўп хом ашёга эга. Биринчидан, албатта бу пахта. Ўзбекистонда ўстирилган пахтанинг 12 — 14 фоизи юртимизда қайта ишланишини Германияда ҳам яхши билишади. Германия умуман тўқимачилик машинасозлиги бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Тўқимачилик машинасозлиги корхоналари Ўзбекистонга ўз технологияларини, ускуна ва машиналарини сотишга жуда қизиқишади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон мустақил давлат бўлиши билан давлатимизда ўз ваколатхонасини очган. Ўтган тўрт йил мобайнида анчагина ишлар қилинди. Масалан, шу йил бошида Наманганда нотўқима ҳиссадорлик жамиятида сунъий мўйна чиқарадиган линия ишга туширилди. Бу линияда Ўзбекистон саноати учун жуда керакли матолар чиқарилади. Шунинг учун республика ҳукумати томонидан салмоқли ишлар қилиб борилмоқда. Масалан, Германия ҳукумати билан қарз олиш учун шартномалар тузилган. Юқорида айтиб ўтилган линия ҳам қарз орқали олинган. Ундан ташқари Ўзбекистонда ип-йигирув линиялари ҳам ишга туширилди. Улар ҳам қарз асосида Германиядан келтирилди. Фирмамиз кўпгина корхоналар, шахсий фирмалар билан ҳам ҳамкорликда бўлиб турибди. Яқин орада бир қанча шартномалар тузилди. Улардан биттаси Ўзбекистон енгил саноати уюшмасига қарашли бир корхона учун ип-йигирув линиясини келтириш тўғрисидадир. Ушбу линия ҳам Германия ҳукумати қарз бериши асосида олиниши керак. Ҳозирги пайтда тўқимачилик фирмаси Ғарбий Германия, Австрия, Швейцария, Англиянинг йирик фирмалари маҳсулотларини шу ерда сотмоқда. Ўйлаймизки, фирмамизнинг Ўзбекистонда ишлаб туриши истиқболлари жуда катта, чунки Ўзбекистоннинг юз фоиз, камида эллик фоиз пахтаси қайта ишланиши керак. Ўзбекистоннинг ўзида тайёр маҳсулот сифатида сотилиши керак, экспорт қилиниши керак. Бир қанча режалаштирган лойиҳаларимиз яқин орада рўёбга чиқиши кутилмоқда.

Суҳбатимизга ваколатхонанинг масъул ходими, фирма мутахассиси Ерг Кундиш қўшилди:

— Фирмамиз тўрт йилдан бери Ўзбекистон бозорида ишлаб турибди. Биринчи уч йил биз учун қийин бўлди. Бу ердаги бозорни, унинг эҳтиёжларини ўргандик. Охирги йилларда ишларимиз анча ривожланди. Ҳозирги пайтда бир қанча лойиҳалар устида ишлаб турибмиз. Ўйлаймизки, фирмамизнинг Ўзбекистонда тутган ўрни алоҳида бўлади.

**Баҳодир МАҲМУДОВ.**

*Долзарб мавзуда*

# ҲАЁТ ТАҚОЗОСИ

***Ҳаётимизда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий жараёнлар кейинги вақтларда жуда жадаллашиб, илгаригидан бутунлай ўзгача моҳият касб этмоқда. Босқичма-босқич бозор иқтисодиётига ўтилаётгани, хусусийлаштириш жараёнининг кенг авж олганлиги ҳуқуқий, демократик давлат барпо этиш йўлидаги дастлабки залворли одимлардир. Хўш, демократик жамиятга хос қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларидан кейин тўртинчи ҳокимият деб номланган матбуот бу жараёнларни таҳлил қилиш ва уларни рисоладагидек ёритишга тайёрми, деган ўринли савол туғилади. Афсуски, қалам соҳиблари бу борада эски қолиплардан тўла чиқиб кетолмаётган, қолаверса, маънавий ва ҳуқуқий ҳимоя талаб бўлиб қолган эдилар. Яқинда Ўзбекистон оммавий-ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватловчи ижтимоий-сиёсий, давлатга қарашли бўлмаган жамғарманинг тузилиши, ўйлаймизки, вазиятни тубдан ўзгартиради. Бизнинг ушбу жамғарманинг раисдоши, Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадиий кўрсатувлар дирекциясининг директори Аҳмад АЪЗАМ билан суҳбатимиз ҳам янги ташкилотнинг мақсад-вазифалари, режалаган ишлар хусусида бўлди.***

— Дарҳақиқат, бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти, дунёдаги барча ривожланган, нуфузли давлатлар билан ҳам томонлама муносабат ўрнатган мустақил республикамиз ҳаётида оммавий-ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий, давлатга қарашли бўлмаган фонднинг ташкил этилиши қонуний ҳодисадир, — дейди суҳбатдошимиз. — Ва бинобарин, тобора демократик тамойилларни ўз ҳаётига жорий этиб бораётган Ўзбекистон учун бу албатта амалга оширилиши керак бўлган табиий ҳолдир. Зеро, вақтнинг ўзи бу фонднинг тузилишини тақозо этарди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, оммавий ахборот воситаларининг аҳволи, барча ижобий-салбий жиҳатларини таҳлил қилган ҳолда мана шундай фонд ниҳоятда керак, деб топилди. Билъакс, мазмун ва моҳият жиҳатидан бутунлай янги ушбу фондни тузиш ҳақидаги фикр республикамиздаги оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари, матбуотга тааллуқли бўлган барча тизимлар, ўз нашрларига эга вазирликлар ва етакчи журналистлар томонидан тўла қўллаб-қувватланди. 10 августда ўтган таъсис конференцияси бунинг яққол исботидир.

Фондни тузишда кўзланган асосий мақсад эса унинг номланишидан ҳам кўриниб турибди: Ўзбекистон оммавий-ахборот воситаларини демократлаштириш, журналистлар ижодий фаолиятида демократик тамойилларни жорий қилиш, матбуот нашрлари роли ва нуфузини ошириш, ижодий ҳуқуқлари, уларнинг давлат ва жамоат органлари, ҳатто ноширлар олдидаги манфаатларини ҳимоя қилиш, барча оммавий ахборот воситаларини молиявий, иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник негизини ривожлантиришдир. Модомики, Ўзбекистон очиқ демократик давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятига кирган экан, шак-шубҳасиз унинг матбуоти сифати, савияси, даражасини ҳам ривожланган давлатларнинг мана шундай нашрлари даражасига кўтариш ҳеч кечиктириб бўлмайдиган вазифадир. Бу йўналишлар фонднинг таъсис конференциясида тасдиқланган Низомда ҳам ўз ифодасини топган. Табиийки, фонд фаолиятида биз фақатгина журналистларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаб, молиявий-иқтисодий томондан кўмак берибгина қолмасдан балки савияларини жаҳон даражасига кўтариш, дунё журналистикасидаги йўналишлар, қонун-қоидалар билан таништириш, замонавий билимлар билан қуроллантириш борасида ўқувлар ташкил қиламиз, журналистларнинг касб маҳоратлари, тажрибаларини ошириш мақсадида чет элларга сафарлар уюштирамиз. Айни вақтда хорижий журналистларнинг ташрифларини ҳам ташкил этамиз. Журналистларимиз учун семинарлар, симпозиумлар уюштирамиз, фонд қошида матбуот клуби тузамиз. Клубда маҳаллий ва хорижий журналистларнинг эркин мулоқотларини йўлга қўямиз. Шу орқали уларнинг ўзаро тажриба алмашишлари учун ҳам имкон туғилади.

**— Республикамизда журналистлар уюшмасининг уч ярим мингга яқин аъзолари бор эди. Маълумки, мазкур уюшма ҳам фонд таркибига қўшилиб кетди...**

— Саволингизни тушундим. Гап шундаки, янги фонд уюшма аъзолари ўзларининг саъй-ҳаракатлари билан тузилди. Демакки, Ўзбекистон журналистлар уюшмасининг аъзолари ўз-ўзидан янги фонднинг ҳам аъзолигига кирдилар. Эндиликда фонд сифат жиҳатидан ҳам, журналистларнинг ижтимоий муҳофазаси томонидан ҳам мутлақо янги йўналишдаги, ваколатлари кенг ташкилот бўлиб қолади. Илгариги уюшмани журналистларнинг бошини қовуштириб турган, республикадаги шу каби ташкилотлар билан алоқада бўлган ташкилот дейдиган бўлсак, бизнинг фондимиз журналистларнинг бутун дунё ахборот тизимлари билан бевосита боғлайдиган, уларни янада кенгроқ миқёсга олиб чиқиб, манфаатларини муносиб ифодалайдиган ташкилотга айланади.

Ҳозир фонд аъзолиги учун янги ҳужжатлар тайёрлаш, унинг шакл-шамойилларини ишлаб чиқиш юмуши билан бандмиз. Фонд бошқарувининг кечаги мажлисида ҳам худди шу масалалар муҳокама қилинди. Бу борадаги барча янгиликларни эса тез орада маълум қиламиз.

**Суҳбатдош**
**Дилшод ИСРОИЛОВ.**

